

## SHARTNOMA № 1

### Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича

2022 й. «28» 3

2022-1431-4-66-ТВ-сон

Чирокчи sh.

Чирокчи тумани Тиббиёт Бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи О.Ж.Шайманов Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор Лутфуллаев Уткир Шовкатович (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини Умумий овқатланиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «01» Январдан.

2022 йил «31» Мартгача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қошлаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### **III. ХИЗМАТЛАР НАРХИ ВА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг умумий қиймати: **331 000 000,00** ( Уч юз ўттиз бир миллион ) сўми ташкил этади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича тулов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.03.2021-йилдаги №139-сонли қарорига биноан бюджет ташкилотларининг иш. хизмат кўрсатиб берувчилар билан тузилган шартномалар Ҳазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилиб кўрсатилаётган хизматнинг умумий қийматини олдиндан 30% 99 300 000.00 сўм пул ўтказиб, қолган 70% 231 700 000.00 сўми" Аутсорсерга хизмат тўлиқ кўрсатилгандан сўнг 30(ўттиз) банк иш кун ичида тўлаб берилади.

3.3. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.4. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.5. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.6. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

#### **IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### **V. МУНОЗАРАЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

#### **VI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР**

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

#### **VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.



## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 46063 на приобретение Аусортинг хизмати ТТБ

Способ проведения электронный

Дата 15.03.2022

Время рассмотрения 15.03.2022 18:16

Конкурсная комиссия Чирокчи туман тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ASLANOV UTKIR AMIROVICH	Бошлик уринбосари	Кашкадарё вилояти Чирокчи тумани Тиббиёт Бирлашмаси
<b>Секретарь комиссии</b>	HOLIQULOV AKTAMJON XOLMO'MINOVICH	Озик овкат бугалтери	Кашкадарё Вилояти Чирокчи тумани Тиббиёт Бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	RAJABOV RAHMATULLA QUVATOVICH	Бош хисобчи уринбосари	Кашкадарё Вилояти Чирокчи тумани Тиббиёт Бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	BEGIMOV ELYORBЕК BERDIYAROVICH	Бош хисобчи	Кашкадарё Вилояти Чирокчи тумани Тиббиёт Бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	XAMIDOVA MAYRAM MIRZAYEVNA	пархез хамшира	Кашкадарё Вилояти Чирокчи тумани Тиббиёт Бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	SHAVANOV DAVRONBOY NORMURATOVICH	хисоб - китоб хисобчиси	Кашкадарё Вилояти Чирокчи тумани Тиббиёт Бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.03.2022 года № лота 46063.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по организации горячего питания</b>
Подробное описание	Услуги по организации горячего питания
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	333 023 113.00
Стартовая сумма	333 023 113.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Зарур техгикавий .молиявий кадрлар хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги .шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқга эгаллиги солиқлар ва бошка мажбурий туловлардан қарздор эмаслиги.инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Зарур техникавий .молиявий кадрлар ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги .шартнома тузиш учун конуний хуқуққа эгаллиги солиқлар ва бошқа мажбурий туловлардан қарздор эмаслиги.инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Лаззат ЯБ" ИЧМЧЖ	25	332357067	19	Экспертная		
ELIGANT MB MCHJ	25	331000000	20	Экспертная		

Критерий №2 Давогар аутсорсинг хизмати шу йуналишда беморлар учун иссиқ-овқат етказиб бериш фаолиятини олиб борганлиги ҳамда камида 3 йил тажрибага эга бўлиши керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Давогар аутсорсинг хизмати шу йуналишда беморлар учун иссиқ-овқат етказиб бериш фаолиятини олиб борганлиги ҳамда камида 3 йил тажрибага эга бўлиши керак.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Лаззат ЯБ" ИЧМЧЖ	20	332357067	10	Экспертная		
ELIGANT MB MCHJ	20	331000000	15	Экспертная		

Критерий №3 Худудий солиқ инспекциясидан тасдиқланган қарзи мавжуд эмаслиги туғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Худудий солиқ инспекциясидан тасдиқланган қарзи мавжуд эмаслиги туғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Лаззат ЯБ" ИЧМЧЖ	15	332357067	15	Экспертная		
ELIGANT MB MCHJ	15	331000000	15	Экспертная		

Критерий №4 Малакали ходимлар бўлиши шарт, ошпазлар хақида (диплом, разряд, сертификат, тиббий куриқдан утганлиги, ташкилотда ишлаётганлиги туғрисида буйруқдан кучирма) маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Малакали ходимлар бўлиши шарт, ошпазлар хақида (диплом, разряд, сертификат, тиббий куриқдан утганлиги, ташкилотда ишлаётганлиги туғрисида буйруқдан кучирма) маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Лаззат ЯБ" ИЧМЧЖ	25	332357067	8	Экспертная		
ELIGANT MB MCHJ	25	331000000	10	Экспертная		

Критерий №5 Ошпазларнинг 3-тойфали сертификати булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Ошпазларнинг 3-тойфали сертификати булиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Лаззат ЯБ" ИЧМЧЖ	15	332357067	15	Экспертная		
ELIGANT MB MCHJ	15	331000000	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ELIGANT MB MCHJ	333 023 113.00	331 000 000.00	15.03.2022 15:02:58	20.00
"Лаззат ЯБ" ИЧМЧЖ	333 023 113.00	332 357 067.00	15.03.2022 14:21:44	19.92

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ELIGANT MB MCHJ	60	20	80
"Лаззат ЯБ" ИЧМЧЖ	53.6	19.92	73.52

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 46063 от 15.03.2022 года на приобретение Аусортинг хизмати ТТБ определила победителем:

ELIGANT MB MCHJ  
204781080

и резервный исполнитель: "Лаззат ЯБ" ИЧМЧЖ (203637267)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ASLANOV UTKIR AMIROVICH	Согласен	
Член комиссии	SHAVANOV DAVRONBOY NORMURATOVICH	Согласен	
Член комиссии	XAMIDOVA MAYRAM MIRZAYEVNA	Согласен	
Член комиссии	RAJABOV RAXMATULLA QUVATOVICH	Согласен	
Член комиссии	BEGIMOV ELYORBЕК BERDIYAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma

**2. Loyihaning nomi:** "Autsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko`rsatish bo`yicha"

**3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma`lumot:** Chiroqchi tumani Tibbiyot birlashmasi boshlig`i O.J.Shaymanov 2022 yil 24 mart

Chiroqchi tumani Tibbiyot birlashmasi bilan "Elegant MB " MCHJ o`rtasida autsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko`rsatish to`g`risidagi qiymati 331.000.000.00 (Uch yuz o`ttiz bir million) so`mni tashkil etgan 1-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Chiroqchi tumani Yuridik xizmat  
ko`rsatish markazi bosh yuriskonsulti**

**X.Nortojiyev**

2022 yil «25» mart





Чирокчи туман тиббиёт бирлашмаси  
бош шифокори О.Шаймановга

### Хизмат таклифи

Чирокчи туман "Элегант МБ" Маъсулияти чекланган жамияти. Сизга Чирокчи туман тиббиёт бирлашмасини 2022-йил 1-чорак учун куйдаги нархлар асосида тайёр ва сифатли иссик овкат билан таъминлашни таклиф килади.

№	Таом номи	Улчов бирлиги	миқдори	Нархи	суммаси
1	Ширин чой	порц	3681	740,0	2 723 940
2	Печени	порц	3681	535,0	1 969 335
3	Нон	порц	4499	1 060,6	4 771 414
4	Сариёғ	порц	2818	2 121,0	5 976 999
5	Сут	порц	2041	2 121,0	4 328 770
6	Кифер	порц	1648	1 767,4	2 913 152
7	Манний каша	порц	2863	5 190,00	14 858 970
8	Ширгуруч	порц	2454	5 126	12 579 204
9	Маства	порц	2045	12 000,00	24 540 000
10	Гречка палови	порц	2045	10 230,0	20 920 350
11	Шовла	порц	2454	10 330,0	25 349 820
12	Перловка буткаси	порц	2454	11 120,0	27 288 480
13	Макарон шурва	порц	2045	11 973,80	24 486 421
14	Нухат шурва (горох)	порц	2045	12 100,0	24 744 596
15	Мошхурда	порц	2045	12 406,4	25 371 129
16	Картошка буткаси	порц	2454	6 419,0	15 752 178
17	Сабзавотли макарон	порц	2045	13 397,40	27 397 683
18	Сабзавот шурва	порц	2045	13 210,0	27 014 450
19	Палов	порц	1636	10 543,4	17 248 970
20	Салат	порц	2045	2 497,3	5 106 907
21	Тухум	порц	2045	942,3	1 927 004
22	Кампот	порц	2454	1 110,04	2 724 038
23	Сули буткаси	порц	2045	5 382,0	11 006 190
	<b>Жами:</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>331 000 000</b>

"Элегант МБ" МЧЖ раиси



У.Лутфуллаев

Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиши тугрисида

## ГУВОХНОМА

Реестрдаги тартиб раками № 3

2004 й 12 январ

Мазкур гувоҳнома юридик шахс \_\_\_\_\_

**"Элегант МБ"**

**масъулияти чекланган жамият**

(юридик шахс булган дехкон хужаликлари, фермер хужаликлари учун ажратилган ер участкаси ва унинг майдони курсатилади) берилган.

Ташкилий ҳукукий шакли	ТХШ 1152
Мулкчилик шакли	МШ 142
Почта манзили	МХОБТ 1710242500
Юридик шахсинг манзили	КТУТ 19225457
Тармок коди	ХХТУТ 71150
Солиқ тўловчининг идентификация раками	СТИР 204781080



Кушнмча маркумотлар \_\_\_\_\_

Ваколатли орган рахбари: \_\_\_\_\_

*Э.Едгоров*

Чирокчи туман тиббиёт бирлашмасини аутсорсер хизмати тайёр озик-овқат махсулотлари билан таъминлаш  
туғрисида комиссия йиғилишининг  
**ТАНЛОВ БАЁННОМАСИ №1**

Чирокчи тумани

2022 йил 17- март

ТТБ даволаш ишлари бўйича ўринбосар комиссия раиси: У.Асланов  
ТТБ бош ҳисобчиси комиссия аъзоси: Э.Бегимов  
ТТБ бош ҳисобчи ўринбосари комиссия аъзоси: Р.Ражабов  
ТТБ иш хаки ҳисобчиси комиссия аъзоси: Д.Шованов  
ТТБ материал ҳисобчи котиб: А.Холиқулов  
ТТБ пархез хамшираси комиссия аъзоси: М.Хамидов

Кун тартибида куриладиган масала:

Чирокчи туман тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларга аутсорсер хизмати тайёр озик-овқат махсулотлари билан таъминлаш туғрисида таъминотчилардан тушган хизмат таклифларини кўриб чиқиш туғрисида комиссия раиси У.Асланов сузга чиқиб таъминотчиларнинг 2022 йил таъминотчилар маблағлари доирасида Чирокчи туман тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларга аутсорсер хизмати тайёр озик-овқат махсулотлари билан таъминлаш учун “Элегант МВ” МЧЖ 331000000 (уч юз уттиз бир миллион) сум, Чирокчи туман тиббиёт бирлашмасини тайёр озик-овқат махсулотлари билан таъминлаш учун товар хом ашё биржасига 15.03.2022 йилдаги №46063-сонли ЛОТга асосан эълон қилинган ва танлов асосида 2 та таъминотчидан хизмат таклифлари келиб тушганлиги, ушбу таклифлар асосида нархларни урганиб чиқиб, таъминотчиларни танлов асосида куриб чиқиш керак эканлигини билдирди. Тиббиёт бирлашамизга 2 та таъминотчидан шу таклифлар ичида яхши ва биз учун маъқул булган таклифни танлашимиз керак. Танлов асосида таъминотчидан таклиф қилинган нархларни қуйидаги жадвал асосида куришимиз мумкин.

№	Хизмат номи	Улчов бирлиги	Таъминотчиларнинг номи	
1	Чирокчи туман тиббиёт бирлашмасини тайёр озик-овқат махсулотларлари билан таъминлаш	Аутсорсинг хизмати	Лаззат ЯВ и/ч МЧЖ 332357067	“Элегант МВ” МЧЖ 331000000

Комиссия аъзолари хизмат таклифларини кўриб чиқиб, “Элегант МВ” МЧЖ берган хизмат таклифида кўрсатилган ишларни арзонлигини барча турдаги ҳужжатлар мавжудлигини ва бажариладиган ишларни бажариш имкониятларини куплигини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича.

Чирокчи туман тиббиёт бирлашмасининг 2022 йил 17-март кундаги №1-сонли танлов баённомаси орқали ЛОТ №46063-сонли рақами билан икки иш куни муддатда давлат харидлари порталига танлов баённомаси 2022 йил 17-март куни жойлаштирилди.

Ушбу муддат ичида ҳеч қанақа товар (иш хизмат) етказиб берувчилар томонидан бошқа ҳеч қандай таклифлар ва ҳеч қанақа муружаатлар келмаганлиги сабабли юқорида ўтказилган баённомадаги танлов баённома ғолиби “Элегант МВ” МЧЖ билан шартнома келишган.

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Элегант МВ” МЧЖ танлов ғолиби деб тан олинсин.
2. Шартномага имзо қуйиб тасдиқлаш Чирокчи ТТБ бошлиғи О.Шаймановга юклатилсин.
3. Аутсорсинг хизмати учун пул ўтказиш бош ҳисобчи Э.Бегимовга юклатилсин.
4. Чирокчи ТТБга етказилган тайёр озик-овқат махсулотларини қабул қилиш пархез хамширасига топширилсин.
5. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

ТТБ даволаш ишлари бўйича ўринбосар комиссия раиси:

ТТБ бош ҳисобчиси комиссия аъзоси:

ТТБ бош ҳисобчи ўринбосари комиссия аъзоси:

ТТБ иш хаки ҳисобчиси комиссия аъзоси:

ТТБ пархез хамшираси комиссия аъзоси:

Котиб:



У.Асланов

Э.Бегимов

Р.Ражабов

Д.Шованов

М.Хамидов

А.Холиқулов